

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВА ГУЛНОЗА БАХШИЛЛОЕВНА

**СОЦИАЛ ТАРМОҚЛАРДА ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ,
ФАОЛИЯТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ
(жаҳон ва миллий тажрибанинг қиёсий-типологик таҳлили)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Алимова Гулноза Бахшиллоевна

Социал тармоқларда журналистиканинг шаклланиши, фаолият
тенденциялари ва хусусиятлари (жаҳон ва миллий тажрибанинг қиёсий-
типологик таҳлили)..... 3

Алимова Гулноза Бахшиллоевна

Формирование, тенденции развития и особенности журналистики в
социальных сетях (сопоставительно-типологический анализ мирового и
национального опыта)..... 20

Alimova Gulnoza Baxshilloevna

Features, activity tendencies and development of journalism in social networks
(Comparative-typological analysis of national and worldwide
experience)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВА ГУЛНОЗА БАХШИЛЛОЕВНА

**СОЦИАЛ ТАРМОҚЛАРДА ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ,
ФАОЛИЯТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ
(жаҳон ва миллий тажрибанинг қиёсий-типологик таҳлили)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мўминова Фотима Иззатуллаевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ирназаров Қудрат Туганович ,
тарих фанлари доктори, профессор

Тошбоев Олим Шойимович,
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01.рақамли Илмий кенгаш асосида 10.00.09 – Журналистика (филология фанлари бўйича) ихтисослиги бўйича Бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Маннонов А. М.

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Омонов Қ. Ш.

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш Илмий котиби, филол.ф.д.

Мўминов Ф. А.

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда социал тармоқларда журналистиканинг шаклланиши, фаолият тенденциялари, хусусиятлари ва унинг умумжаҳон цивилизациясидаги ўрнини аниқлашга қизиқиш ниҳоятда ортиб бормоқда. Ахборот технологиялари тараққиёти натижасида интернет тизими бутун ер шарини қамраб олди. Дунё миқёсида фаолият юритадиган Facebook, Twitter, В Контакте, Одноклассники каби социал тармоқлар ахборот маконининг таркибий қисмига айланди. Социал тармоқларнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги таъсир кучи анъанавий оммавий ахборот воситаларига нисбатан юқори бўлиб, ахборот оқимининг тезлашуви, интенсифлашуви ҳамда универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий ривожланишлар глобаллашув жараёнига ўз таъсирини ўтказмоқда. Чунки бугунги кунда ахборот кўлами ер шарининг бир нуқтасидан иккинчи нуқтасигача бир неча сониялар давомида етиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, турли халқларнинг бир-бирига яқинлашишини кучайтириб, турли давлатларда яшайдиган одамларнинг манфаатлари муштарак эканлигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида машҳур бўлган халқаро тармоқлар фаолияти янги авлод шаклланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бинобарин, ёшлар реал ҳаётни тарқ этиб, маъмурий ва миллий чегараларни тан олмайдиган виртуал кенгликларга ўтиб кетмоқда, виртуал дунёга хос бўлган сохта кадриятлар билан яшашга интиломоқда. Шу боис, социал тармоқлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш зарурати мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг янги даврида социал тармоқларнинг тузилиши ва уларнинг ишлаш қонуниятларини таҳлил қилиш, социал тармоқлардаги журналистиканинг хусусиятларини тадқиқ этиш, социал тармоқларда ахборот фаолиятини олиб борувчи ижодкорлар фаолиятини ўрганиб, улар учун муайян тавсиялар ишлаб чиқиш, замонавий кибермаконнинг шаклланишида ва фуқаролик жамиятини қуришда социал журналистиканинг имкониятларини аниқлаш мавзунинг замонавий журналистика учун аҳамиятини белгилайди. Зеро, “...энг тезкор ахборот воситаси – интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда “Uz” доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод – интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўрсатилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда,

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги. <http://www.uza.uz/oz/politics/matbuot-va-ommaviy-akhborot-vositalarikhodimlariga-27-06-2017>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Социал тармоқларда журналистика тадқиқига доир илмий-тадқиқотларни икки қисмга, яъни ривожланган мамлакатлар ва МДХ давлатлари миқёсида шарҳлаш мақсадга мувофиқдир. АҚШ ва Ғарбий Европа олимлари бу соҳа билан фаол равишда кейинги 25-30 йилдан бери шуғулланмоқдалар. Тадқиқотчиларнинг ахборот технологияларининг инсон руҳиятига таъсири, компьютер воситасидаги мулоқот ва интернетдаги инсон фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишган. Хусусан, масс-медиа ёрдамидаги коммуникациялар М.Кастельс, Ж.Бодрийяр, П.Вирильо, Э.Тоффлер, С.Жижек, У.Эко, Ж.Гитомер² каби олимлар томонидан илмий-назарий тадқиқ этилган.

Ушбу йўналишда тадқиқот олиб бораётган МДХ олимлари ичида Россия мутахассислари етакчилик қилмоқда. Интернет деярли пайдо бўлган куниданоқ фанлараро тадқиқотларнинг предметига айланди. Аммо ўтган асрнинг 80-йилларида компьютер воситасидаги мулоқотнинг ўзигина ўрганилган бўлса, 90-йилларига келиб, компьютер тармоқларининг коммуникатив восита сифатида ўрганишга бағишланган ишлар пайдо бўлди. А.Е.Войскунский ўз мақоласида ўтган асрнинг 70-йилларидан то ҳозирги кунгача интернет тадқиқ этган ишларнинг қисқача маълумотини берган³. МДХнинг бошқа мамлакатларида социал тармоқлар назариясига бағишланган айрим тадқиқотлар мавжуд⁴.

Социолог ва журналистлар томонидан “тармоқ жамоалари” ва Интернет аудиторияси мавзуси ўзлаштирилмоқда⁵. Алоҳида туркум ишлар виртуал

³ Кастельс М. Галлактика интернет. – М., 2004. – 325с; Бодрийяр Ж. Общество потребления. – М. 2006. – 272с., Бодрийяр Ж. Симюляры и симуляция. – СПб., 2025. – 240с.; Тоффлер Э. Третья волна. - М., 1999; Гитомер Дж. Бизнес в социальных сетях. СПб.: Питер, 2013; Кастельс М. Информационная эпоха. - М., 2000.; С.Жижек. Добро пожаловать в пустыню Реального (рус.)англ. М., 2002. — 160 с. У.Эко - От Интернета к Гутенбергу. Текст и гипертекст. Отрывки из публичной лекции на экономическом факультете МГУ. 20.05.1998 ва бошқ.

³ Войскунский А.Е. Исследования Интернета в психологии // <http://psynet.by.ru/texts/voysk1.htm>

⁴ Снурникова Ю.М. Эффективное использование электронных документов через интернет в тележурналистике. Киев, 2006; Артамонова И.М. Интернет-журналистика в Украине: эволюция, социоинформационный аспект, системные характеристики. Киев, 2009; Белова К.А. Интернет-дискурс Беларуси в социолнгвистическом аспекте. Минск, 2015; Герасимович О.П. Средства массовой информации в разрешении конфликта: конструктивный потенциал. Минск. 2015; Галиев А. Интернет и роль социальных сетей в политической жизни Казахстана. Алматы, 2016 // <http://cabar.asia/ru/aleksandr-galiev-internet-i-rol-sotsialnyh-setej-v-politicheskoy-zhizni-kazahstana/>; Рейтинг популярных социальных сетей в Казахстане // <http://profit.kz/news/5490/Rejting-populyarnih-socialnih-setej-v-Kazahstane/> ва бошқ.

⁵ Каранг: Бондаренко С. В. Социальная структура виртуальных сетевых сообществ. Ростов н/Д, 2004; Залесский П., Спектор М. Сколько нас? Какие мы? Портрет российской Интернет аудитории // Мир Internet. 1999. № 7-8; Чугунов А.В. Социологические аспекты формирования информационного общества в России.

маконда инсоннинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш усулларининг таҳлилига бағишланган⁶.

Аммо янги ахборот технологияларининг ижтимоийлашув жараёнларидаги ўрни масаласи шу пайтгача тизимли равишда ўрганилмаган бўлса-да, интернетда ўзини намоён этиш стратегиялари ва уларнинг реаллик билан боғлиқлигини ўрганиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини қайд этиш зарур⁷.

Ўзбекистонда интернет соҳасида ўтказилган тадқиқотларда асосан унинг умумий хусусиятлари ўрганилган. Бугунги кунда мамлакатимизда интернет ва социал журналистика йўналишида Ф.Мўминова, Х.Дўстмуҳаммад, Ф.Мўминов, Ё.Маматова, Д.Рашидова, Н.Муратова, Ш.Қудратхўжаев, Н.Қосимова, А.Матякубов, О.Абдуазимовлар⁸ илмий изланиш олиб боришмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ва шу сингари бошқа манбаларда фуқаролик журналистикаси ва блогерлик ҳаракатига тегишли бўлган социал тармоқлардаги журналистик фаолият алоҳида мавзу сифатида махсус ўрганилмаган, яхлит шаклда таҳлилга тортилмаган. Социал тармоқларда мавзулар хилма-хиллиги, фактлардан фойдаланиш методлари, муаммоларни таҳлил қилиш йўллари, материалларнинг тили, услуби ва жанрларига алоҳида урғу берилмаган. Миллий социал тармоқларнинг истиқболлари ва энг муҳими – социал тармоқлардаги журналистиканинг алоҳида мамлакатлар ҳамда бутун инсоният ҳаёти демократлашувига кўрсатадиган изчил таъсири илмий жиҳатдан концептуал ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро

Обзор исследований аудитории Интернета. СПб., 2000; Щербина В.Н. Сетевые сообщества в ракурсе социологического анализа (опыт рефлексии становления «киберкоммуникативного континуума»). Бердянский государственный педагогический институт / Бердянск, 2001; Нестеров В. К вопросу о динамике сетевых сообществ // <http://psynet.carfax.ru/texts/nesterov2.htm>; Нестерова Е.И., Нестеров В.Ю. Некоторые аспекты коммуникационных процессов в Сети с точки зрения культурологии // 5-я Международная научно-практическая конференция Информационные системы и технологии «Виртуальный мир Инфосферы: практическое использование человеком». – Владивосток, 1998.

⁶ Каранг: Савченко Л.А. Виртуальная среда как предмет социологии // Прикладная социология. Ростов н/Д, 2001.

⁷ Каранг: Жичкина А.Е. Взаимосвязь идентичности и поведения в Интернете пользователей юношеского возраста. Автореф. дис. канд. психол. наук. – М., 2001; Тальшних Н.К. Культура «сетевых сообществ»: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. Ростов н/Д, 2004; Тальшних Н.К. Социокультурный статус индивида в «чате» // Труды аспирантов и соискателей РГУ: Т.8. Ростов н/Д: РГУ, 2002; Куприянов И. В. Компьютерный андеграунд в контексте становления культуры информационного общества: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Ростов н/Д, 2003.

⁸ Каранг: Интернет журналистика (Интернетда радио ва телевидение). Илмий мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир Ф.Мўминов. – Т.: “MRS-Tashkent”, 2005; Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография). – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Яна: Глобаллашув даври ва ахборот макони. // Ўзбекистон матбуоти, 2007. – № 3. – Б. 12-14; Рашидова Д. Особенности формирования Интернетовской журналистики и специфика Интернет в качестве глобального СМИ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: НУУз, 2002; Яна: Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. – Т.: “Zar-Qalam”, 2003; Рашидова Д.К., Азимов Ж.Н. СМИ в Интернет и освещение законодательной деятельности интернет-журналистикой. Метод. пособие. –Т., 2006; Қудратхўжаев Ш. Интернет тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011; Унинг узи. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. Услубий қўлланма. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011; Абдуазимов О.У. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда матбуотнинг ўрни: ижтимоий фикр мониторинги: Социол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2007; Муратова Н.Ф. Журналистика в Интернет: особенности on-line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т.: НУУз, 2011.

журналистика факультетининг халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси илмий тадқиқотлар режасига киритилган ҳамда тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади социал тармоқларда журналистиканинг шаклланиши, фаолият тенденциялари ва хусусиятларини жаҳон ва миллий тажриба асосида қиёсий-типологик жиҳатдан ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

социал тармоқлардаги журналистика билан фуқаролик журналистикасининг жаҳон ва ўзбек журналистикаси тажрибаларига таянган ҳолда анъана ва тамойилларини таҳлил қилиш ҳамда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

блогерлик журналистикаси маъноси ва хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни таснифлаш, социал тармоқлардаги ахборот манбаларининг марказлашмаганлиги тармоқлардаги журналистикага қандай таъсир кўрсатишини далиллаш;

тармоқларда ишлатиладиган техник усуллар мухбирлик меҳнатига қай даражада таъсир этиши, техник ютуқлар ижодий имкониятларни қандай ривожлантириши мумкинлигини билиш, ахборот майдони социал макон сифатида нима эканлиги, унда журналистика фаолиятининг ўрни, дунёвий ва миллий жамоавий жараёнларнинг акс эттирилишини ёритиш;

жаҳон ва миллий социал тармоқлар фаолиятидаги кесишув нуқталарининг журналистик таҳлилини ўтказиш, Ўзбекистонда социал тармоқлар тизимининг шаклланиш ҳамда ривожланиш парадигмасини аниқлаш, унга тавсиф бериш, маҳаллий социал тармоқларнинг муаммо ва истиқболларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фуқаролик журналистикаси ва блогерлик ҳаракатига тегишли бўлган социал тармоқлардаги журналистик фаолият олинган.

Тадқиқотнинг предмети журналистика билан боғлиқ фаолият олиб бориш хусусиятлари, кўтарилаётган мавзулар, фактлардан фойдаланиш методлари, муаммоларнинг таҳлил қилиш йўллари, материалларнинг тили, услуби ва жанрлари, миллий тармоқларнинг истиқболлари, социал тармоқлардаги журналистиканинг инсоният ҳаёти демократлашувига кўрсатадиган изчил таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий, социологик, қиёсий-типологик, мантиқий-экспериментал ва анъанавий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

социал тармоқларнинг умумий моделини яратишда логотиплар, рунлар, калит сўзлар, ранглар ва пропорцияларнинг ўрни аниқланиб, мавжуд тармоқлар фуқаролик журналистикасининг яхлит тизими эканлиги исботланган;

социал тармоқлар типологиясининг эмпирик, назарий, морфологик, қиёсий, тарихий, структуравий ва генетик таснифлари мавжудлиги, тармоқ рейтингини дизайн, йўналиш, материаллар мазмуни ва аудитория каби мезонлар белгилаши аниқланган;

социал тармоқлардаги фуқаровий журналистлар ижодий фаолиятининг даврийлик, аниқлик ва холислик каби фазилатлари ажратилиб кўрсатилган ва улар алоҳида таснифланган;

тармоқларда фаолият олиб борадиган ҳаваскор журналистлар кўпроқ ўз шахсини намоён этадиган жанрлардан фойдаланишлари аниқланган;

интернет ва социал тармоқларда ўз аксини топган янги типдаги ахборот алмашувидан унумли фойдаланиш натижасида туғилган кўп фикрлилик, мулоҳазалар ранг-баранглиги журналистиканинг тўртинчи ҳокимият сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

социал тармоқлардаги ижодий фаолият ва унга замин яратган техник имкониятлар таснифланган;

фуқаролик журналистикасининг маъноси ҳамда муҳим хусусиятлари аниқланган, уларга таъриф берилган, уларнинг социал тармоқлардаги кўриниши тавсифланган, уларда фаолият олиб борадиган ҳаваскор журналистлар кўпроқ ўз шахсини намоён этадиган жанрлардан фойдаланишлари аниқланган;

социал тармоқларнинг ахборот манбаи сифатидаги умумий модели ва типологияси аниқланган, улар фуқаролик журналистикасининг бир кўриниши эканлиги исботланган;

ушбу тармоқлар кенг имкониятларга эга медиамайдон сифатида ахборот алмашинувини янги босқичга кўтаргани ва ундан унумли фойдаланиш инсоният тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши далилланган.

2013-2018 йилларда республика ижодкорлари учун Ўзбекистон журналистларининг ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган бир қатор анжуман ва семинарларда, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун қилинган маърузаларда, сиёсий партиялар ва жамоавий ташкилотлар миллий журналистика ривожланишига бағишланган давра суҳбатларида эълон қилинган ва тарқатма материаллар сифатида ишлатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ривожланган мамлакатлар ва МДХ давлатлари олимлари эълон қилган, кенг илмий жамоатчилик томонидан тан олинган таниқли асарларни назарий ҳамда методологик асос бўлиб хизмат қилганлиги, таҳлил жараёнида мантиқан асосланган (анализ, синтез, қиёслаш) усуллар асосида чиқарилган назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосида чиқарилган хулосалардан социал тармоқларда журналистиканинг шаклланиши, фаолият тенденциялари ва хусусиятлари ҳақидаги мавжуд қарашлар ва маълумотларни тўлдиради, социал тармоқларнинг назарий асосларини миллий ҳамда хорижий ОАВ фаолияти мисолида ўрганишнинг кенг имкониятлари билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий ўқув юр்தларининг журналистика, социология, сиёсатшунослик йўналишларида социал тармоқларда журналистиканинг шаклланиши, фаолият тенденциялари ва хусусиятлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзиш ҳамда амалиётчи журналистлар учун услубий қўлланма, тавсияномалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ўтишга, мазкур жараённи такомиллаштиришга манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Социал тармоқларда журналистиканинг шаклланиши, фаолият тенденциялари ва хусусиятлари тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Ахборот майдонида миллий ва умумжаҳон жараёнларнинг акс эттирилишида холислик ва тезкорлик принципларининг ишлаши, муаллиф позицияси ва техник имкониятларнинг аҳамияти юзасидан олинган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 52-бандида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига жорий йилнинг 1-чорагида “Журналистларнинг амалий касбий малакаси ва амалий кўникмаларни ошириш Дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 12 февралдаги 01-524-сон маълумотномаси). Мазкур натижа журналистларнинг амалий касбий малакасини оширишда уларнинг социал тармоқлардан фойдаланишнинг амалий кўникмаларига эга бўлишига ёрдам берган;

Социал тармоқлардаги журналистик фаолиятнинг ижодий ҳамда техникавий чексизлиги юзасидан олинган натижалардан, “Замонавий АКТ босма ОАВ фаолиятидаги роли ва мамлакат интернет-ресурсларининг истиқболи”га бағишланган медиа-форум, енгиллаштирилган муаллифлик тушунчаси ва унинг хусусиятларида келтирилган таклифлардан “Муваффақиятли сиёсат юритишда социал тармоқлардан фойдаланиш истиқболлари” мавзудаги онлайн-конференция натижаларидан фойдаланилган (АТ-ассоциациясининг 2018 йил 11 февралдаги 1/11-02 сон маълумотномаси). Натижада бир қатор корхона ва ташкилотлар ўз интернет сайтларини социал тармоқларга улаб, сайт рейтингини оширган ҳамда уларнинг социал тармоқлардаги саҳифаси халқ билан мулоқотни янги-онлайн босқичга кўтаришга хизмат қилган;

Жамиятда демократияни амалга ошириш ва ҳокимиятнинг очиқлигини таъминлашнинг энг оммавий ва самарали усулларида бири социал тармоқлар эканлиги юзасидан далилланган хулосалардан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси қошида ташкил этилган ва 2016 йилдан буён фаолият олиб бораётган “Ёш журналистлар клуби” фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг 2018 йил 12 февралдаги 14/38-сон маълумотномаси). Мазкур материаллар клуб тингловчиларининг социал тармоқлар фаолиятига стереотиплардан холи, объектив баҳо беришига хизмат қилиб, тармоқ имкониятларидан мақсадли фойдаланишига имкон берган.

Оммавий ахборот номарказлашуви ва уни назорат қилиш имкониятларининг кескин камайиши ахборот асрининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолатнинг миллий домендаги сайтларда акс этиши юзасидан диссертациянинг амалий қисмида келтирилган хулосалардан Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотлар ўртасида ишлаб чиқилган “Миллий домендаги диний-маърифий мавзудаги Интернет манзиллари фаолиятини янада

такомиллаштириш, веб-саҳифани юритишга масъул шахсларнинг билим ва маҳоратларини ошириш мақсадида йилда икки мартаба малака ошириш ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарор ва Дастурга мувофиқ ташкил этилган малака ошириш курсларида фойдаланилган (Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг 2018 йил 12 февралдаги 1/F-44-сонли маълумотномаси). Натижада миллий домендаги сайтлар фаолиятининг рейтинги тузилган, миллий социал тармоқлар фаолияти ҳам шу рейтинг асосида баҳоланган, шунингдек, веб-саҳифани юритишда уни социал тармоқлар билан интеграциялаштиришга асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан, 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 11 та республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Социал тармоқларда журналистика: мазмун ва моҳият”** деб номланган биринчи бобида социал тармоқ ва социал тармоқларда журналистика тушунчаларига изоҳ берилган, уларнинг тарихи ва бугунги кундаги аҳамиятига урғу берилган.

“Социал тармоқ (ингл. social network) – ижтимоий позицияларни, социал акторлар (иштирок этувчилар) ва уларнинг ўзаро алоқаларини бирлаштиради. Социал тармоқ (математикада – социал граф) бир гуруҳ манбалардан иборат бўлиб, бу ерда ришта ролини социал акторлар ва уларнинг ўртасидаги алоқалар бажаради, алоқа пайтида ахборот алмашинади. Шундай қилиб, социал тармоқлар ҳаракати доирасида бир соҳага тегишли бўлган социал акторлар, уларнинг

ўртасидаги алоқалар ва ресурс типлари бирлашади”⁹. Бошқа манбаларда ҳам терминга шунга яқин изоҳлар берилган.

Бобда социал тармоқ термини асосчиси (Жон Барнс), АҚШда социал сервисларнинг пайдо бўлиш тарихи (1979-2001 йй.), биринчи социал тармоқ (Fidonet) ҳақида илмий-назарий маълумотлар келтирилган. Тармоқлар тузилишини мутахассислар “юмшоқ” алоқалар сифатида баҳолайдилар. Бугунги кунда улар энг тезкор алоқа воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга улар маълум даражада мафкуравий таҳдидлар манбаси ҳам ҳисобланади.

Социал тармоқларда профессионал журналистика ва фуқаролик журналистикасининг умумий ҳамда хусусий сифатларини кўриб чиқишда, бу иккала сўзлар тез-тез синоним сифатида ишлатилгани тилга олинган, мутахассислар ўртасида мазкур масала бўйича яқдиллик йўқлиги, россиялик тадқиқотчи Л.А.Браславец мазкур масалани махсус ўрганиб, бу баҳс ҳали-бери яқун топмайди, деган хулосага келгани айтилган¹⁰.

Социал тармоқларда профессионал журналистика ҳамда фуқаролик журналистикасининг умумий ва хусусий сифатлари таҳлил қилиниб, бундай ўзига хосликнинг тўртта хусусияти ўрганилган:

1) социал тармоқдаги матн муаллифлари малакали журналистлар учун намунали деб ҳисобланадиган холислик принциpidан бир оз чекинмоқдалар;

2) социал тармоқлар демократиянинг бош мезони – битта ижтимоий масала бўйича кўпфирлилик ва кўп позицияликнинг ривожланишига сабабчи бўлмоқдалар;

3) фуқаролик журналистикаси вакиллари кимнингдир исми ва обрўсига муружаат этмайдилар, улар учун ўзларининг шахсий фикрлари муҳимроқ;

4) аудио ва видеоёзувлар (жумладан, фотолар) ёрдамида кенг оммага воқеа ҳақида хужжатли маълумотларни юборишга интиладилар.

Бобда социал тармоқларда журналистикани аксарият ҳолда блогерлар амалиётга татбиқ этаётгани эътироф қилиниб, қиёсий тарзда журналист билан блогернинг ўртасидаги фарқлар ва фаолиятидаги умумийлик келтириб ўтилган. Блогерликнинг имкониятлари хусусида сўз боради.

Блогер учун унинг ўзи воқеани қандай кўрган бўлса, шундай акс эттириш зарурлиги тадқиқ этилган. У малакали ахборот етказувчи шахс ёки доимий муаллиф эмас ва у ўз иши учун ойлик олмайди. Шунинг учун у мавзу танлаш ва бўлаётган воқеаларга баҳо беришда эркиндир. Блогерлар бошқариши осон бўлган техника ёрдамида тармоққа ахборотни етказадилар. Улар ўз кундаликларида бошқа блогерларнинг ахборотини жойлаштиришни ёқтирадилар. Уларни ажратиб турадиган хусусият – журналистларга, ҳокимиятга ва ҳатто ўз касбдошларига танқидий муносабатда бўлишдир.

Бундан ташқари бобда, блогерлар доимо ҳам ўзлари эълон қиладиган фактларга диққат билан қарамаслиги, ахборий фаолиятнинг бош талаби бўлмиш – фактларни қайта текширишга етарлича эътибор бермаслик, ёритадиган воқеага муносабатлари ўта ҳиссиётли бўлиб, материалнинг тили ҳам тез-тез бузилиб туриш ҳолатлари учраб туришига урғу берилган.

⁹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>. Интернетдан 25.05.2016да олинди.

¹⁰ Браславец Л.А. Социальные сети как СМИ: к постановке проблемы // Вестник Воронежского университета. Серия: Филология. Журналистика, 2009. – №1. – С.131.

Бирок блогерлар кўп бўлганлиги сабабли улар ходисани ҳар томонлама ёритиш имкониятига эга бўлишади. 2001 йил 11 сентябрь куни бўлган воқеаларнинг ҳақиқий тарихини блогерлар яратдилар, ҳатто уларнинг маълумотлари бўйича террорчиларнинг бир қисми топилди.

Иккинчи бобда **“Социал тармоқларнинг ОАВ сифатидаги модели ва типологияси”** тадқиқ этилган. Бунда ахборот майдони социал макон сифатида қаралиб, унда журналистик фаолиятнинг ўрни, миллий ва умумжаҳон жараёнларнинг акс эттирилиши алоҳида ўрганилган. Бугун социал тармоқлар дунё ахборот маконининг таркибий қисмига айланиб улгурди. Улар деярли қисқа вақт ичида миллионлаб аудиторияга эга бўлди, бундай кўрсаткичга ҳатто телевидение ҳам бунчалик тез эришмаганди. Виртуал усуллар жорий қилинганидан кейин дунё ахборот жараёнлари жуда тез суръатларда ривожланишга ўтди. Мутахассислар постэпистографик ва постгуманистик жамиятлар ҳақида гапира бошладилар. Чунки интернетнинг пайдо бўлиши билан оммавий ахборотни олиш ва қайта ишлаш механизмлари жиддий ўзгармоқда.

Бугунги кун журналистика фаолиятида гиперматн муҳим аҳамиятга эга. Буни, айниқса, фуқаролик журналистикаси вакиллари фаолиятида кўп кузатамиз. Шу туфайли мазкур бобда унинг тавсифи ва чизмалари келтирилган. Гиперматннинг конвергенцияга мойиллиги бор, чунки бу ерда бир материалда матн ва фото, аудио ва видео, карточизмалар ва анимация бирлашмоқда. Журналистика учун янги ҳодиса бўлган виртуал реалликка ҳам тасвиф берилган. Ҳақиқий ва виртуал борлиқни қиёслаш йўли билан муаллиф томонидан борлиқнинг электрон имижи яратишга ҳаракат қилинган.

Бобда янги коммуникацион муҳитдаги оммавий аудиториянинг ҳолати ўрганилган. Таниқли рус олими М.Бахтиннинг “виртуал ҳаёт назарий жиҳатдан карнавал концепциясига тўғри келиши”¹¹ ҳақидаги эстетик қарашига таянилган. Бунда виртуал тармоқнинг умумий моделига принципиал чизма, назарий аналог, бирор-бир нарсанинг намунаси сифатида муаллифнинг характеристикаси берилган. Унга кўра, модель аввал номаълум бўлган ходисани ўрганишга ундайди, ушбу ходисанинг умумий тузилиши, хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини англаб олишга ёрдам беради. Социал тармоқ учун бу логотип, асосий рукнлар, навигация имкониятлари сифатида намоён бўлади. Модель – тармоқнинг яхлит образи, унинг ички ва ташқи вазифаларининг мажмуаси, аудитория томонидан тармоқни виртуал маконда кўриш имконияти, қисқаси, тармоқ ҳақида энг биринчи тасавур берадиган тушунча.

Шу билан бирга Ўзбекистондаги ташкилотлар раҳбарларининг социал тармоқларга муносабатларининг эволюциясини кузатиш натижаси қизиқ бир ҳолатни кўрсатди. Агар дастлабки йилларда раҳбарият томонидан давлат ва жамоавий ташкилотлар ходимларига социал тармоқлардан фойдаланиш очик ёки пинҳона ман этилган бўлса, кейинчалик ушбу тармоқлар ходимларига уларнинг касбий фаолиятига доир, қолаверса, соҳани ривожлантириш бўйича жуда кўп янги материаллар олиниши мумкинлиги аниқланди. Шунинг учун нафақат

¹¹ Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура Средневековья и Ренессанса. – М.: Худож. лит., 1990. – С. 15.

алоҳида ходимлар, шу билан бирга, ташкилотлар ҳам “Facebook”, “Google” каби сайёравий тармоқларда ўз сайтларини оча бошлашди.

“Muloqot.uz”, “Fikr.uz”, “Sinfdoshlar”, “Sputniknews”-uz.com. ва бошқа бир қатор Ўзбекистонда энг кенг тарқалган миллий тармоқларнинг умумий кўринишига, рунлар ва тагрунларига қисқа тавсиф келтирилган.

Ушбу бобда социал тармоқлар модели ва типига эътибор қаратилиб, улар ўртасидаги фарқлар кўрсатилган. Агар модель умумий характерга эга бўлса, типга кўпроқ хусусий факторлар хос, агар модель социал тармоқ ҳақида умумий тасаввур берса, тип эълон қилинаётган материаллар шакли ва мазмуни ҳақида аниқроқ маълумотлар беради. Типда маълум бир гуруҳга тегишли ва бир-бирига яқин бўлган хусусиятлар бирлашади, масалан, спорт, маданият, таълим, кўнгилочар маълумотлар ва ҳ.к. Мазкур аниқ кўринишлар, бирлашиб, тармоқнинг тегишли типини ташкил этади. Бундай ички, бир-бирига яқин хусусиятлар қанча кўп бўлса, социал тармоқ типини шунча бақувват бўлади. Масалан, Ўзбекистонда спорт тармоқлари кенг тарқалган ва яхши обрўга эга.

Тармоқ типининг асосий кўрсаткичларида моделнинг (ахборот етказишга мўлжалланганлиги, проблематикаси, дизайннинг умумий кўриниши в.б.) ва типнинг (типик жанрлар, доимий муаллифларнинг таркиби, аниқ рунлар, рангли ва шрифтли безатишлар ва ҳ.к.) хусусиятлари бирлашади.

Боб якунида виртуал кенгликларда мавжуд бўлган умумий ва хусусий характерга эга тармоқларнинг таснифи келтирилган.

Учинчи бобда **“Социал тармоқларда журналистик фаолиятнинг ўзига хослиги”** тадқиқ этилган. Социал тармоқлар журналистика учун жуда муҳим бўлган икки тушунча – вақт ва масофани – деярли йўқотишига урғу берилган. Тармоқ давлат чегараларини тан олмайди ва реал вақт режимида ишлайди, нашрнинг эрталабки анъанавий версияси билан бирга унинг электрон нусхаси ҳам чиқади, соатлар давомида у тўлдирилиб борилади ва куннинг охирига қадар электрон версия анъанавийсидан маълумотлар кўплиги нуқтаи назаридан фарқланади.

Катта миқдорда социал тармоқларда жойлашган ахборот манбаларидан маълумот олиш амалиёти занжирли реакцияга ўхшайди. Истеъмолчиларнинг кўпи тасодифий равишда ички гуруҳларни ташкил этади – қизиқишларига, ҳудудга, касбга қараб ва ҳ.к. Бундай тармоқлар жуда тез пайдо бўлади ва худди шундай тез тарқалиб кетади. Гуруҳ аъзолари зудлик билан бир-бирига қизиқарли ахборотни юборади, таассуротлар билан алмашишади. Мустақил тадқиқотчи, АҚШ сиёсатшунослари ассоциацияси аъзоси Ирина Жежко-Браун “Социал ҳаракат сифатидаги фуқаролик журналистикаси” мақоласида шундай ёзган: “Фуқаролик журналистикасида норози бўлган гуруҳ ва синфларнинг кайфиятлари юқори ҳиссиёт билан акс эттирилади ва пайдо бўлаётган ижтимоий ҳаракатларнинг дастлабки хабарчиси бўлади. Янги медиа нафақат ўз мамлакатининг ички сиёсатига, шу билан бирга, жаҳон сиёсатига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда”¹².

Тармоқ журналистларига социал тармоқлардаги журналистик фаолиятнинг техник ва ижодий чексизлиги жиддий таъсир кўрсатади. Зеро, журналистика

¹² <http://www.panrus.com/irinablog/2014/01/23/>.

назариясида инсон мезони қанчалик улуғланмасин, техниканинг аҳамияти ундан кам эмас. Журналистиканинг ҳар бир тури – матбуот, радио, телевидение, интернет – фақат тегишли техника ихтиро қилинганидан кейингина пайдо бўлди.

Интернет техникаси журналистларга ўз ижодий заруриятларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди. Энг аввало, бу ахборотни узатиш тезлиги, битта материалда медианинг ҳар хил турларидан фойдаланиш (ёзув, овоз, тасвир), аудиторияни глобал камраб олиш, ахборот манбаларининг чексизлиги, архивларнинг кўплиги ва бошқ.

Бобда келтирилганидек, блогерлар профессионал журналистлар бўлмасда, сон жиҳатдан улар кўпчиликни ташкил қилади. Шунинг учун улар воқеа жойида доимо ҳодисанинг дастлабки дақиқаларини ёнларидаги техникага ёзиб олишлари мумкин. Бунда икки хил нопрофессионаллик бирлашади – ижодий ва техникавий, чунки ахборотни профессионалдек ишлай олмайдиган блогер нопрофессионал техникада ёзиб олади. Бу маълумотларни керакли сифат билан ёзиб олишга тўсқинлик қилади, аммо информация жуда ҳам керакли бўлгани учун, бошқа имкон топилмаган пайтда, бундай нопрофессионал ёзувлардан ҳатто Си-эн-эндек йирик телекомпаниялар ҳам фойдаланишга мажбур бўладилар.

Бугунги кунда социал тармоқларда кўпгина муаллифларнинг бир қатор масъулиятлардан озод бўлган шаклда ижод қилишларини кузатамиз. Техниканинг борлиги ва ундан фойдаланиш осонлиги шунга олиб келдики, бугун ҳар бир хоҳловчи воқеани тасвирга тушириб, уни интернетга жойлаштириш имкониятига эга. Бу енгиллаштирилган муаллифлик тушунчасини пайдо қилди. Енгиллаштирилган муаллифлик деганда кўпроқ сўз эркинлиги (яъни эълон қилинган материал учун жавобгарликка тортилмаслик) ва муаллифларнинг интерфаоллигини назарда тутамиз.

Аммо бундай асарларнинг бадиий-эстетик савияси анча паст. Ҳаваскор муаллифлар мураккаб мавзулардан, узун ва ёзилиши қийин бўлган материаллардан қочадилар, улар учун енгил ижодий чизмалар ва вариантлардан фойдаланиш қулай. Янги тармоқ маданияти феноменининг шаклланишида асосий вакиллар ўртамиёна савияли тармоқ истеъмолчилари бўлганликлари сабабли унинг даражаси ҳам унча баланд эмас. Бундай шароитда журналистиканинг икки шакли ривожланди:

- 1) анонсли журналистика (бир-икки қаторли);
- 2) кичик шакллардаги журналистика (микроблогинг – қисқа хабарлар).

Блогер ва аудитория ўртасида ихтиёрий муносабатлар ўрнатилади, бунда блогер ёзишга, аудитория эса ўқишга мажбур эмас, деб топилади. Муаллифлар томонидан илгари сурилаётган муаллифлик лойиҳалар амалиёти кенг тарқалмоқда.

Аудитория интернетда сон-саноксиз бўлган электрон маълумотлар базасидан фойдаланади. Электрон нашрларнинг адади чексиз бўлиши мумкин. Ҳар бир сайтда унга кираётган одамларни санайдиган ўлчов воситалари турадики, улар бу ҳақда аниқ маълумотларга эга бўлади. Аудиториянинг саводхонлиги нуқтаи назаридан интернет китоб ва телевидениенинг ўртасида туради.

ХУЛОСА

1. Социал тармоқлар – янги ахборот кучи сифатида инсоният тарихий сахнасига чиқиб бўлди. Шу вақтга қадар тарихий сахнада бундай куч йўқ эди. Инсоният тарихидаги барча ахборот кучларининг устидан диний ва давлат кучлари назорат ўрната олган. Фақат халқ журналистикаси устидан назорат ўрнатолмаяпти. Бунга сабаблар – блогерлар кўплиги, уларнинг тез ишлаши ва ахборот тарқатиш техникасининг чексиз имкониятлари.

2. Социал тармоқлар икки томонлама ишлайди, биринчидан, ОАВ ва ҳаётдан информация олади, иккинчидан, ОАВ ва ҳаётга информация беради. Социал тармоқлар – ер шарининг глобал ахборот ойнасига айланди. Улар инсоният ҳаётини акс эттириб, ушбу ҳаётга ўз таъсирини ўтказди. Социал тармоқлардаги журналистика тасвир, таҳлил ва таъсир функцияларини бажаради.

3. Халқ ва профессионал журналистлар ўртасидаги рақобат журналистиканинг иккала кўринишини ҳам ривожланишига асос бўлади, чунки иккала томон ҳам ўз маҳоратини оширишга мажбур.

4. Бугунги кунда социал тармоқлардаги сайтлар ва блоглар кескин кўпайиб кетмоқда. Кўп блоглар узок яшолмаяпти. Лекин сахнадан кетган блоглар ўрнига тезлик билан бошқа блоглар пайдо бўлмоқда. Демак, навбатдаги вазифа – сайтлардан фойдаланувчиларга, фуқаролик журналистикаси мухбирларида интернет маданиятини тарбиялаш ва шакллантириш заруратидир. Тил ва этика социал тармоқларда фаолият юритадиган мухбирлар учун унча ҳам аҳамиятли бўлмай қолмоқда.

5. Ахборот манбалари ҳаддан ташқари кўпайиб кетишининг ижобий ва салбий томонлари бор. Бир томондан, улар кўпфирлиликни таъминласа, иккинчи томондан, аудиториянинг (ва ўзларининг) ахборот билан ишлаш имкониятларини қийинлаштиради, чунки ахборот жуда кўп.

6. Виртуал социал тармоқларнинг энг катта муаммоларидан бири – непрофессионалларнинг непрофессионал техникада ахборот тарқатиши. Бундай материалларнинг сифати етарли даражада эмас. Демак, жамият ва касбий уюшмаларнинг вазифаси – халқ мухбирлари ва блогерларнинг ахборот билан ишлаш маданиятини оширишдир.

7. Тармоқда ишлашнинг осонлиги, назорат йўқлиги енгиллаштирилган муаллифликни вужудга келтирди. Енгиллаштирилган, эркин муаллифликнинг ижобий ва салбий томонлари бор: бир томондан, назорат йўқлиги, мавзунинг ихтиёрий танланиши, ҳеч кимга ҳисобот берилмаслиги, видео ва аудиороликлар билан қатнашиш бўлса, иккинчи томондан, информацияни етказишга шошилиш, фактлар камлиги, маълумотларнинг қайта текширилмаслиги, тил ва услуб номукамаллиги, грамматика ва талаффуз меъёрларининг тез-тез бузилиши ва бошқ. Социал тармоқларда журналистик жанрлар, тил ва услуб маълум бир эволюцияга учраб, ўзгариб кетмоқда.

8. Социал тармоқлардаги журналистиканинг кўриниши ва вазифалари ҳақида баҳслар давом этмоқда. Чунки социал тармоқлар – янги, кўп қиррали ва жуда мураккаб ҳодиса. Уларнинг маъноси ва ривожланиш йўллари ҳақида ҳозир бутун дунё мутахассислари бош қотирмоқда.

9. Айрим мамлакатларга ўхшаб, четдан олиб келинадиган компьютер технологияларига бож солиқларини имкон даражасида пастроқ қилиб белгилаш (Жанубий Кореяда бож солиқларисиз олиб кирилади); блогерлар сайтларини имкон даражасида ёпмаслик (шундай ҳолатлар Ўзбекистонда борлиги ҳақида айрим хорижий анжуман ва йиғилишларда гапирилмоқда); фуқаролик журналистикаси ва ушбу фаолият билан боғлиқ бўлган хусусиятларни (масалан, блогерларнинг мақомини) тегишли қонунларда белгилаб қўйиш; фуқаролик журналистикасини тўғри тушуниш ва ундан унумли фойдаланиш мақсадида ушбу йўналиш бўйича журналистика бакалавриати учун алоҳида фан киритиш ва бу ҳақда мукамал дарслик ёки ўқув қўлланма яратиш; фуқаролик журналистикаси сифатини ошириш мақсадида, хоҳловчилар учун журналистлар уюшмаси ҳузурида, журналистика факультетлари қошида ва миллий телевидение орқали ўқув семинар ва мастер-класслар ташкил этиш; фуқаролик журналистикаси миллий ассоциациясини ташкил этиш; блогерлар (фуқаролик журналистикаси) миллий кодексини ишлаб чиқиш социал тармоқларда журналистиканинг шаклланиши учун муҳим омиллар ҳисобланади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

АЛИМОВА ГУЛНОЗА БАХШИЛЛОЕВНА

**ФОРМИРОВАНИЕ ЖУРНАЛИСТИКИ В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ,
ТЕНДЕНЦИИ И ОСОБЕННОСТИ ЕЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
(сравнительно-типологический анализ национального и мирового опыта)**

10.00.09 – Журналистика (филологические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

город Ташкент – 2018 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fil101.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице совета www.tashgiv.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Муминова Фотима Иззатуллаевна
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ирназаров Кудрат Туганович
доктор исторических наук, профессор

Тошбоев Олим Шойимович,
кондидат филологических наук

Ведущая организация:

Каракалпакский государственный
университет имени Бердаха

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании разового Научного совета при Научном совете DSc.27.06.2017.Fil.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана по адресу: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru. С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2018 года).

А.М.Маннонов

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

К.Ш. Омонов

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, доцент

Ф.А.Муминов

Председатель научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня во всем мире чрезвычайно растет интерес к формированию журналистики в социальных сетях, тенденциям и особенностям ее деятельности, выявлению ее роли в развитии мировой цивилизации. В результате стремительного развития информационных технологий всемирная паутина – сеть интернет охватила весь земной шар. Социальные сети, действующие в мировых масштабах, такие, как Facebook, Twitter, В Контакте, Одноклассники превратились в составную часть информационного пространства. Влияние социальных сетей на формирование общественного мнения гораздо выше, чем у традиционных средств массовой информации. Ускорение и интенсификация потока информации, общемировые тенденции, связанные с развитием универсальных технологий, оказывают заметное воздействие на процесс глобализации. Ведь сегодня информация доходит с одной точки земного шара до другой за считанные секунды. А это, в свою очередь, усиливает сближение разных народов и демонстрирует близость интересов людей, живущих в разных странах.

Деятельность международных сетей, известных на весь мир, оказывает влияние на формирование нового поколения. Таким образом, молодежь уходит от реальной жизни и предпочитает оставаться в виртуальных просторах, не признающих административных и национальных границ, стремится жить, основываясь на фальшивых ценностях, присущих виртуальному миру. Именно поэтому назрела необходимость изучения проблем, связанных с социальными сетями, делать конкретные теоретические выводы по исследованию этих вопросов, что говорит об актуальности темы.

На новом этапе реформирования нашей страны анализ структуры социальных сетей и закономерностей их функционирования, исследование особенностей журналистики в социальных сетях, изучение работы творческих людей, ведущих информационную деятельность в социальных сетях и разработка определенных рекомендаций для них, выявление возможностей социальной журналистики в построении гражданского общества определяет значимость темы для современной журналистики. Ибо, «... самое оперативное средство информации – интернет все более глубоко входит в нашу жизнь и в настоящее время в домене «Uz» глобальной сети число веб-сайтов, информационных порталов превысило 400, достойно внимания то, что основная их часть функционирует на иностранных языках, в этом направлении формируется новое творческое поколение – интернет-журналисты¹³.

1. Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует разработке проекта Закона «Об общественном контроле в Республике Узбекистан», служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-1989 «О мерах по

¹³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги. <http://www.uza.uz/oz/politics/matbuot-va-ommaviy-akhborot-vositalarikhodimlariga-27-06-2017>.

дальнейшему развитию национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан» от 27 июня 2013 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, связанные с изучением журналистики в социальных сетях, целесообразно разделить на две части и комментировать их в масштабах развитых стран и стран СНГ. Ученые США и Западной Европы активно занимаются этой сферой в течение последних 25-30 лет. Исследователи акцентировали внимание на воздействии информационных технологий на психику человека, на вопросах коммуникации посредством компьютера и своеобразных аспектах деятельности человека в интернете. В частности, коммуникации с помощью масс-медиа с научно-теоретической точки зрения исследованы такими учеными, как М. Кастельс, Ж. Бодрийяр, П. Вирильо, Э. Тоффлер, С. Жижек, У. Эко, Ж. Гитомер¹⁴.

Среди ученых СНГ, ведущих исследования в данном направлении, лидируют российские специалисты. Практически со дня своего появления интернет превратился в предмет междисциплинарных исследований. Однако, если в 80-годы прошлого столетия изучалась лишь сама коммуникация, опосредованная компьютером, то к 90-годам появились работы, посвященные изучению компьютерных сетей в качестве коммуникативного средства. А.Е. Войскунский в своей статье дал краткий обзор работ, исследующих интернет с 70-годов прошлого столетия по сегодняшний день¹⁵. В других странах СНГ имеются работы, посвященные теории социальных сетей¹⁶.

Социологами и журналистами осваиваются темы «сетевые сообщества» и аудитория Интернет¹⁷. Отдельный цикл работ посвящен анализу методов изучения действий человека в виртуальном пространстве¹⁸.

